
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ**

**4
—
2020**

Тошкент

<p>Ахмедов Д.К., Нуманов К.Ф. Ишмуратов Б.Ж., Бозоров И.И. Махкамов У. Карабаева Г.Ш. Хажиев Б.Д., Маматов М.А.</p> <p>Абдувалиев А.А. Маъмуроев Б.Х.</p> <p>Салихов Н.Д. Ашурметова Н.А. Ниёзова И.Н.</p> <p>Чуллиев Т.</p> <p>Умарова М.Б., Муминова М.Б. Азларова А.А., Абдурахманова М.М., Базарова Н.Р.</p> <p>Карлибаева Р.Х.</p> <p>Ганиев Ш.В. Шанасирова Н.А. Мухаметов А.Б., Матрасулов Б.Э., Абдувахидов А.А.</p> <p>Иргашев Д.И. Абдухалирова Л.Т.</p> <p>Soatova N.B. Киёсов Ш.У.</p>	<p>ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ИННОВАЦИИ И ИНВЕСТИЦИИ</p> <p>Теоретические аспекты инновационной модели экономики..... 6 Инвестицион лойихалар жозибадорлиги ва уни молиялаш тизимини баҳолаш механизми..... 14 Инновацион кластерлар: илм-фан ва бизнес ҳамкорлиги..... 19 Развитие инновационных процессов в промышленности Узбекистана... 23 Иқтисодий ўсида инвестиция меъери ва уй ҳужаликлари истеъ-молининг ўзаро боғлиқлиги 29</p> <p>РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА</p> <p>Жаҳон савдосига рақамлаштириш жараёнларининг таъсир кўрса-тишининг таҳлили..... 34 Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг концеп-туал асослари ва хориж тажрибаси..... 38</p> <p>ТАЪЛИМ ОБРАЗОВАНИЕ</p> <p>Мактабгача таълим ташкилотини бошқариш механизми..... 44 Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий алоқадорлиги агар соҳани инновацион ривожланишининг асоси 56 Таълим самарадорлигини оширишда танқидий ривожлантирувчи стратегияларнинг роли..... 63</p> <p>ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ</p> <p>Туркия миграцион сиёсатининг шаклланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятлари..... 68</p> <p>БАНК ИШИ БАНКОВСКОЕ ДЕЛО</p> <p>Ўзбекистонда рақамли банкни ривожлантириш йўллари..... 78 Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг хизмат-ларини ривожлантириш..... 82</p> <p>КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОРПОРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ</p> <p>Капиталлар таркибини оптималлаштиришнинг классик назариялари ва улардан акциядорлик жамиятлари фаолиятида фойдаланиш..... 91</p> <p>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ</p> <p>Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг инновацион асослари..... 101 Соғлиқни сақлаш муассасаларида асосий воситалар ҳисобини юртиш орқали харажатларни оптималлаштириш..... 105 Практические аспекты учета основных средств в Узбекистане..... 111</p> <p>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МЕНЕЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ</p> <p>Иқтисодий ислоҳотлар даврида корхоналар фойдасини самарали бошқариш тизимининг зарурлиги..... 115 Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида маркетинг тадқиқотларининг тутган ўрни ва аҳамияти..... 120</p> <p>МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР ФИНАНСЫ И НАЛОГИ</p> <p>Mahalliy budgetlar daromad bazalari barqarorligini takomillashtirish..... 125 Жисмоний шахслар даромадларини соликка тортиш: моҳнати ва хусусиятлари..... 130</p>
--	--

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Умарова Малика Бахтияровна -
ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантишнинг иммий асослари ва муаммолари"

ИТМ, таянч докторант

Мўминова Маъсуда Бахтияровна -
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, I-босқич докторанти

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда банкларни трансформациялаш жараенида раҷамли хизматларни янада ривожлантириш, банк хизматлари ошириш ва раҷамли банкингни жорий этишининг афзал жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: банк инфратузилмаси, раҷамли банкинг, хизматлар, тўлов тизими, банк ходимлари, омниканал банкинг, тижорат банклари.

Аннотация: В статье освещаются преимущества дальнейшего развития цифровых услуг в процессе банковской трансформации в Узбекистане, повышения доступности банковских услуг и внедрения цифрового банкинга.

Ключевые слова: банковская инфраструктура, цифровой банкинг, услуги, платежные системы, банковский персонал, финансово-банковские услуги, коммерческие банки.

Abstract: The article highlights the benefits of further developing digital services in the process of bank transformation in Uzbekistan, increasing the popularity of banking services and the introduction of digital banking.

Keywords: banking infrastructure, digital banking, services, payment systems, bank staff, financially banking, commercial banks.

Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантириша банк хизматлари оммаболигини ошириш, тўлов тизимида рақобатни ривожлантириш, шунингдек, янги замонавий тўлов тизими воситалари билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда хориж мамлакатларда банк инфратузилмасининг ривожланиш даражаси йилдан-йилга ортиб, анъанавий кўринишдаги банклар ўрнини раҷамли банклар, шунингдек, бир турдаги банк хизматлари ўрнини масофадан бошқарилувчи хизматлар ва раҷамли банк хизматлари етказиб берилмоқда. Раҷамли банклар анъанавий банкларни конфиденциаллик, ҳавфсизлик, муаммоларни ечиш ва тўловларни амалга оширишнинг реал вақт режимида кечиши каби асосий мезонлар бўйича ҳам орқада қолдирди. "Раҷамли банк" тизими жараёнларнинг юқори даражада автоматлашуви, хизматларнинг веб-сайтларга асосланиши, институтлараро банк маҳсулотларини етказиб беришни таъминловчи дастурий интерфейс иловаларининг (API) фойдаланилиши, мижозларга милий ахборотга компьютер, мобил телефон ва банкоматлар орқали боғланиш имкониятининг мавжудлиги кабиларга асосланади.

О.Ф. Алиқориев "банк хизмати-мижозларга тақдим этиладиган банк операцияла-

рининг оптимал бажарилишига қўмаклашувчи банк фаолиятининг кўриниши" деб таъкидлайди [1]. Ф.И.Мирзаев эса, "банк хизматлари банкларининг даромадлари ўсиши ҳамда хусусий ва корпоратив банклар, шунингдек, иқтисодиёт эктиёжини қондиришга мўлжалланган банк тадбиркорлигининг анъанавий соҳаси ҳисобланади" деган фикрда [2].

Долгушина А.Я. ва Полтораднева Н.Л. ўтказган тадқиқотлар банк хизмати раҷамли моделининг асосий хусусиятларини очиб беришга имкон беради. Унга кўра айтилган раҷамли модельда пул массаси айланишининг устувор шакли сифатида нақдсиз пул айланиши келтирилади[3]. Раҷамли модельда банк хизматлари жараёни ҳавфсизлигини таъминлашнинг замонавий шаклларига банк хизматларига масофадан боғланадиган қурилмалар фойдаланувчиларини аутентификациялашнинг статик ва динамик методларини киритиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимида мавжуд ислоҳотлар натижасида кескин ва самарали ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бирок юқоридаги таҳлилларимизнинг исботи сифатида ҳали хануз тижорат банклар орасида инновацион янгиликларни кенг қамровли жалб қилиб ултурмаган банкларимиз мавжуддир. Шиддатли иқтисодий


БАНК ИШИ

Ўзгаришлар даврида ҳар соҳада бўлганидек банк тизимида ҳам янгича ёндашувлар мижозлар талабига айланмокда.

FIS халқаро компанияси маълумотларига кўра мижозларнинг умумий қонишиш даражаси бўйича Англиядаги рақамли банклар анъанавий банклардан ўзиди кетган. Британияликлар иштирокида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра “рақамли банклар”

мижозларининг 76 % ўз молиявий муассасасидан "жуда мамнун" эканликларини қайд этган бўлсалар, дунёning Топ-50 рейтингига кирувчи банк мижозларида эса ушбу кўрсаткини 69 %ни ташкил этган.

2019 йилда Жаңон банки молиявий инклюзивлик бүйічә үзіннинг "The Little Data Book on Financial Inclusion" 2018 тахлилини чөп этди.




1-расм. Ривожланган мамлакатларда рақамли тұловлардан фойдалануучилар*
*The Little Data Book on Financial Inclusion 2018 мәдениеттөрден фойдаланылған халық мұндағы шындығы

Таҳлилга кўра аҳоли орасида рақамли тўловлардан фойдаланувчилар Буюк Британия, Германия, Японияда 95,5 фоизни, Италия, Жанубий Кореяда мамлакатларида 89 фоиз ташкил этмоқда. Онлайн харидлани амалга ошириш кесимида Германияда 97,8 фоизни, Буюк Британияда 89 фоизни ташкил этмоқда.

Рақамли банк хизматларидан фойдаланиш Япония, Буюк Британия, Корея, Германия

нияд анъанавий тарздаги банк хизматига айланиб бўлган бўлса, Россия, Хитой, Хиндистон, Белоруссияда "ракамли банк"дан фойдаланувчилар сони бошқа хизмат турларига нисбатан юқори. Бу эса банкларга бориб мурожаат қилиш, хужжатларни тўлдириш ва ортиқча вақтни сарфлагандан кўра исталгандан керакли банк хизматларидан арzon, куллай ва сифатли тарзда фойдаланишини афзал эканлигини кўрсатмоқда.



2-расм. МДХ мамлакатларыда рақамлы тұловлардан фойдаланувчилар*
*The Little Data Book on Financial Inclusion 2018 маңылымотларидан фойдаланылған қолда муралып шыланасы.

Ушбу кўрсаткичлар МДХ мамлакатларида қўйидагича бўлиб, Рақамли тўловлар Белорусь Республикаси 78, Россия 70,5, Козогистон 59,9, Узбекистон Республикасида 34,2 фоизни ташкил этган. Харид ёки онлайн тўловларни амалга ошириш кесимида Белоруссияда 45,7, Россияда 39,6 фоизни ташкил этган. Юқорида таҳлил қилинган мамлакатларда банк инфратузилмасининг ривожланиши юқори даражада технологиялар билан таъминланганлиги, турли хил кўринишдаги хизмат турларига эгалиги ва инновацион хизмат турларини қамраб олганлиги билан ажralиб туради.

"Innovation in Retail Banking" ҳисоботида 2018 йил банклар, истеъмолчи талабларига жавоб бериш учун "Cloud technologies" каби булатли технологиялардан, илгор таҳлиллар ва янги тарқатиш альтернативлардан фойдаланган ҳолда, рақамлаш ва инновацион ташаббусларнинг кўпайтиришига алоҳида аҳамият беришлари керак[4].

Ахборот технологиялар Европа корпорацияси тадқиқотига кўра, ушбу ташаббусларнинг барчасида учта нарса мавжуд:

- харидорга йўналтирилган позиция;
- хақиқий вақтда ақлли маълумотларнинг (Intelligent data integration) интеграцияси;
- очик платформа пойдевори.

Ушбу ўзгаришлардан баъзилари ҳамкорликни ривожлантиришни ёки ташки ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни, банкларда эскириб қолган технологияларни модернизация қилиш ва ташкилот тузилмаларини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Аҳолининг хизмат турларига бўлган талабини ошиши ва мамлакатда "рақамли банк"ни ривожлантириш янги хизмат турларини банк тизимига жорий этишни талаб килмоқда.

Мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда рақамли банкларни ривожланиши муҳим аҳамият касб этади, таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки, мамлакатимизда банк инфратузилмасини ривожлантириш, "рақамли банк"ни ташкил этишда биринчидан норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, иккинчидан "digital" тизими остида ишловчи қурилмалар билан таъминлаш лозим.

Бугунги кунда давлат банкларига нисбатан хусусий банклар ўз хизматларини ра-

қамли технологиялар, мобиль иловалар орқали таклиф этишини йўлга кўйиб, рақамли банкга ўтишда "очик кодли платформалар"нинг (API) ривожланиши, шунингдек мижозлар билан ишлашда улар тўғрисидаги барча маълумотларга эга бўлишда CRM тизимларини жорий этиш, анъанавий банк тизимидан очик банк тизимига ўтиш, хизматларни рақамлаштириш босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон банк тизимига омниканалли банкнингни жорий этишда ягона маълумотномалар (MDM) билан биргаликда амалга ошириш лозим. Бироқ, техник жиҳатдан бу алоҳида MDM-тизими ва аниқ кўрсатилган қоидалар бўйича тизимлаштирилган ва ўз навбатида учинчи тизимда амалга оширилиши мумкин бўлган кенг тарқалган маълумотномалар тўплами бўлиши мумкин. Ҳар бир аниқ ҳолатда банкда мавжуд бўлган амалий ландшафт, маҳсулотлар қатори ҳамда нафақат омниканаллилигидан, балки мажбурий ҳисобот бериш талабларидан келиб чиқкан ҳолда автоматлаштиришга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олиниши лозим. Яъни дастлаб ИТ-стратегияси мавжуд бўлиши лозим, у банкнинг бизнес-стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш учун тизимнинг мавжудлиги, жорий этишини назарда тутади. Масалан, барча омилларни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш тизимини мавжуд бўлиши лозим деб вазифа қўйилса, у омниканаллиликни таъминлашда албатта иштирок этиши аниқ. Тижорат банкларимиз томонидан омниканалланган банкнингни жорий этишда банк иловаларини тўғри интеграция қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда мижозлар тўғрисида маълумотлар сақланадиган тизим (масалан, MDM-тизим, ёки CIF ёки CRM) бўлиши лозим. Барча каналларда ушбу маълумотлардан фойдаланиш имконияти бўлиши лозим.

Ўзбекистон банк тизимида Омниканалли банкнингни мижозларга хизмат кўрсатиш ва сотишда, шунингдек, банк хизматлари оммаболигини оширишда қўллаш лозим.

Омниканалланган стратегияси ни банкларга қўллашнинг афзал томонлари шундаки, жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматларидан фойдаланиш имкониятларни интеграциялашган ва инновацияларга ёндашган ҳолда амалга ошириш имкониятини яратади.

Омниканал банкингни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари*

Виртуаль офис	Мижозлар банк маслаҳатчиси билан видеоалоқа орқали мулоқот қилиш ва маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўладилар. Банк ходимларига мижозига ўз компьютерлари орқали хизмат кўрсатади ва рақамли имзо орқали хужожатлар тасдиқланади.
Банк хизматларини тақдим этувчи банк оғиси	Бу бўлимда нафакат банк хизматлари балки банксугурта хизматларидан хам фойдаланиш имконияти яратилади.
Ўз узига хизмат кўрсатни	Ушбу филиалда банк мижозлари маълум турдаги банк хизматларидан фойдалана олиш имкониятига эга бўладилар
Видеокиноск	Ушбу банкомат видеозкран ва банкомат вазифасини бажарувчи курилма ёрдамида банк мижозлари керакли хизматларни банк ходимлари билан онлайн тарзда мулоқот орқали амалга оширадилар, бунда кредитларни расмийлаштириш, ўз ҳисоб рақамига доир маълоумотларни олишта қулланилади.
Шахсий хизматлар	Ушбу бўлимда банклар мижозлар ўтказмаларини узлуксиз кузатиб бориш имкониятига эга бўладилар

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Омниканалии банкингни жорий этишининг афзал томонлари:

- Офисни ва филиалларни таъмирилашга кетадиган харажатларни қисқариши, рақамли платформалар ёки интернет орқали хизмат кўрсатилиши;
- Хужожатлаштириш жараёнинг кетадиган вақтни қисқариши яъни хамма хужожатлар онлайн режимда оборилади;
- Банк операцияларини қулай вақтда ва ўзи истаган жойда амалга ошириш имкониятига зғалиги;
- Ҳисоб рақамларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятини мавжудлиги;
- Банк ходимларнинг тавсияларини хоҳлаган жойда ва исталган вақтда олиш имкониятини мавжудлиги.

Шунингдек, ушбу тизим мижоз ҳисоб рақами, у фойдаланадиган барча хизматлар, ҳисоб рақамлари колдиклари тўғрисида ахборотларни умумлаштириб боради. Мижоз ўй ёки оффисдан видеоалоқа, coll маркази билан алоқа қилган ҳолда ўзи учун керакли маълоумотларни олади, кредитни расмийлаштириш, ҳисоб рақамини очиш, депозитга пул қўйиш каби хизматларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Хулоса: АҚШ, Япония, Буюк Британия, Корея, Германияда ушбу хизмат тури анъанавий тарздаги банк хизматига айланиси бўлган бўлса, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Белоруссияда "рақамли банк"дан фойда-

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида хизмат турларини ривожлантириш ўллари. Тошкент: Akademnashr, 2012-192 б.
2. Мирзаев Ф.И. Банк хизматлари бозорини ривожлантириш ўллари // Развитие розничного банковского бизнеса. Ташкент, 2007.-С98.
3. Долгушина А.Я., Полтораднева Н.Л. Цифровая модель банковского обслуживания // Научно-технические ведомости Санкт-Петербургского государственного политехнического университета, №6(256), 2016 г., с. 206-218.
4. The Little Data Book on Financial Inclusion 2018 маълоумотларидан фойдаланилган ҳолда муаллиф ишланмоши.
5. <https://www.edgeverve.com> - Edgeverve компаниясининг расмий веб сайти

ланувчилар сони бошқа хизмат турларига нисбатан юкори. Бу эса банкларга бориб мурожаат қилиш, хужожатларни тўлдириш ва ортиқча вақтни сарфлагандан кўра исталган ердан керакли банк хизматларидан арzon, қуллай ва сифатли тарзда фойдаланишини авзал эканлигини кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси банклар инфратузилмасига етарлича маблағ ажратмас экан, улар ўз мижозлар базасини йўқотиш эҳтимоли юкори булишини хориж тажрибаси кўрсатиб берди. Мамлакатимизда банк инфратузилмасини ривожлантиришда аввалимбор норматив-хукукий асосларни қабул қилиниши, ҳодимлар малакасини ошириш, замонавий технологиялар билан таъминлаш банк инфратузилмасини ривожлашида асос бўлиб хизмат қиласи.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки, мамлакатимизда банк инфратузилмасини ривожлантириш, "рақамли банк"ни ташкил этишда биринчидан норматив-хукукий хужожатларни қабул қилиш, иккинчидан "digital" тизими остида ишловчи курилмалар билан таъминлаш лозим.

Ўз навбатида банк инфратузилмасини ривожлантириш банк хизматлари қуламини кенгайтириш, такомиллаштириш орқали мижозлар сонини ошириш билан боғлиқ самарали механизм кетма-кетлигини таъминловчи омил ҳисобланади.